

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига кабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартеришга йўл қўйилмайди, конун хужжатларда белгиланган холлар бундан мустасно.

4.3. "Ишлар" кабул килиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Ишлар"ни кабул килишни рад этишга ҳаклидир.

4.5. Назарда тутилган хажмдан ортиқча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошка номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрнини тўлдириш сифатида карапмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган холлар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича кабул килинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" хажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофик ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва хажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу максадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Ишлар"нинг тегишли кисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камидаги 5 кун олдин чопар оркали, почта оркали ёки бошкача тарзда берилади. Буюртманомани чопар оркали кабул килишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да коладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у кабул килинганилиги тўғрисида белги кўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор килишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли кисмларини кўрсатиш санасини ўзгартеришга ҳаклидир, бу ҳакда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камидаги 1 кун олдин хабардор килади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, хажми "Бажарувчи" томонидан нотўғри аникланниши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аникланган такдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг хажмини хисобга олган ҳолда кайта хисоб-китоб киласи, хисоблаб чикилган ушбу суммадан ташкири буюртмачига нотўғри хисоб-китоб килинган сумманинг 20 фоизи микдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошка шартларга жавоб бермаган такдирда, айборд томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлайди.

5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташкири кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи микдорида жаримадан ташкири, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган такдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган заарлар копланнишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳак тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида маҳсус хисобракамидан пеня тўлайди, бирок бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-харакатлари (харакатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги хам кўриб чикилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан копланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик конунчилиги нормаларига мувофик кўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юкори деб топилган такдирда уртадаги фарқ «Ишлар» бажарувчи томонидан копланади

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, томонлар, коидага кўра, мустакил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиши учун бевосита судга мурожаат килишга ҳаклидир

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «0-4» апрелдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисобкитоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиши мумкин.

8.2 Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан сунг қонуний кучга киради.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартномани жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор килиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳакиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари гені юридик кучга ягадир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

X. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Етказиб берувчи

Ташкилот номи: «OLIMJON SIROJIDDIN

SANJARBEK» ХК

Манзил: Пастдаргом тумани Эски жума мах

Телефон: (91) 525 00 91

СТИР коди: 304293614

ОКОНХ:

Х/Р 20208000800664240001

Банк номи: Самарқанд ш Ипотека-банк АТИБ кук
Сарой фил.

МФО 000362

Рахбар:

М.У. (имзо)

О.Хикматов
Ф.И.Ш

Буюртмачи

Халқ таълими булими

Манзил: Пастдаргом туман Жума ш.Х.Олимжон

Тел: 465 15 07

ш/х* 100022860182277092100075130

бюджетдан маблағ олувчи СТИР 201916618

ОКОНХ 92310

Фазначилик бўлинмаси номи Паст даргомтуманибуйича Газнач
Фазна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи: ХККМ-МВ Тошкентшахар ББ

МФО 500074

газначилик бўлинмаси СТИР 201122919

Рахбар: Н.Сапарова

(лавозим) (Ф.И.Ш)



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**
№ BY2480262588

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi.

“Joriy ta'mirlashga oid shartnoma”


Mazkur shartnomaga ko'ra «OLIMJON SIROJIDDIN SANJARBEK» XK keyingi o'rirlarda "Bajaruvchi" deb yuritiladi. O'zining Nizomi asosida ish yurituvchi O.Xikmatov nomidan, bir tomonidan va Xalq ta'limi bo'limi keyingi o'rirlarda "Buyurtmachi" deb yuritiladi, o'zining Nizomi asosida ish yurituvchi rahbar N.Saparova nomidan, ikkinchi tomonidan mazkur shartnomani tuzmoqda. Shartnomaning amal qilish muddati 2022 yil 04 apreldan 2022 yil 31 dekabrgacha.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Shartnoma loyihasi Pastdarg'om tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan 04.04.2022 yilda ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha O'zbekiston Respublikasi Qonunchilik palatasi tomonidan 2020-yil 1-dekabrda qabul qilingan Senat tomonidan 2021-yil 12-martda ma'qullangan Davlat xaridlari to'g'risida O'zbekiston Respublikasining Qonuni, 22.04.2021 yildagi O'RQ-684-son qonuniga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Pastdarg'om tuman yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti:**



G.Musurmanova

Жорий таъмирлашга оид
ШАРТНОМА 2022/1

Жума Шахри

«06» апрел 2022 йил

Шартнома тузилган жой

«OLIMJON SIROJIDDIN SANJARBEK» ХК кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи О.Хикматов номидан, бир томондан ва Халқ таълими булими кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбар И.Сапарова номидан, иккинч томондан мазкур шартномани кўйидагилар хакида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га Халқ таълими булими (кейинги ўринларда - "Ишлар" деб юритилади) ишларини бажариш, "Буюртмачи" ушбу "Ишлар"ни кабул килиш ва кийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. "Ишлар"нинг аник турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг тарқибий кисми хисоб таънишга иловада кеттирилди.

№	Ишнинг номи	Бошлангич нархи	KRC %	Шартноманинг умумий киймати (битим суммаси)
1	118-мактабни таъмирлаш жорий	251 055 573	32530434	249 400 000
	Жами			249 400 000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 249 400 000 (икки юз кирт туккиз миллион торт юз минг) сўмни ташкил килади

1.3. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: "06" апрел 2022 й. "21" апрел 2022 й.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи"нинг хукуклари:

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

2.1.2. "Бажарувчи" дан "Ишлар" "Буюртмачи" нинг хисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини коплашни талаб килиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофик, бажариладиган «Ишлар» ни нуксон далолатномасига мувофик тегинли сифатга эга бўлган "Ишлар" кўрсатилишини талаб килиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" кўрсатилган таклирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" шунга ўхшаш "Ишлар" билан алмаштирилишини;

- "Ишлар"нинг камчиликлари бенул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини коплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб килиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар копланишини "Бажарувчи"дан талаб килиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.2.1. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофик кабул килиш;

2.3. «Бажарувчи» кўйидаги хукукларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган "Ишлар" учун олдиндан ҳак тўланишини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил хисоб килинишини "Буюртмачи"дан талаб килиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофик кўрсатилган "Ишлар"ни кабул килиш асосинз рад этилиши натижасида етказилган зарар копланишини "Буюртмачи"дан талаб килиш.

2.4. «Бажарувчи» кўйидагиларга мажбур:

2.4.1. "Буюртмачи"га "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофик ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-банлида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофик муддатлар, сифат ва микдорда кўрсатиш;

2.4.2. Агар "Ишлар"ни бажариш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл кўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 5 кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 249 400 000 (икки юз кирт туккиз миллион торт юз минг) сўмни ташкил этади. Бажариладиган "Ишлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. Кўрсатилган "Ишлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда хисоб-китоб килинади.

3.3. "Буюртмачи" мазкур контрактни Газначиликда рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичida конунчилликка мувофик контракт умумий суммасидан 15% микдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, колган 85% ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни ичila қабул килиш далолатномаси, хисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.